БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 71 (4170)
27 МАРТ, 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Зарбдор меҳнатимиз — улуғ доҳий юбилейига

19 апрель-коммунистик шанбалик куни

ЁШЛИК ҒАЙРАТИ БИЛАН

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети коллективи «Қизил шанбалик»ка ҳар қачонгидан уюшқоқлик билан ҳозирлик кўрмоқда. Коллектив В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва университетнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқида қизғин иш олиб бормоқда. Бунда геология, ҳуқуқшунослик, фалсафа-иқтисод факультетлари студентлари барчага намуна бўлмоқдалар. Жумладан, ҳуқуқшунослик факультети ёшлари мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазишда активлик кўрсатишяпти.

Студентлар ётоқхоналари территорияларида ҳам қўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозиргача минг тупдан зиёд дарахт ва турли хил гул кўчатлари ўтказилди. Айниқса, қурувчилар яқиндагина совға қилган тўққиз қаватли ётоқхона атрофларини кўкаламзорлаштириш ишига катта эътибор берилмоқда.

19 апрель куни университет ёшлари янада ғайрат билан меҳнат қилишга аҳд қилдилар. Улар янги қуриб битказилган биология-тупроқшунослик факультети биноси территориясида тозалаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширадилар. Шунингдек, агрегат заводи ишчилари ва Тошкент метро қурувчиларига ёрдам кўрсатишади.

Ҳозирги кунда университетнинг етти кишидан иборат шанбаликка тайёргарлик штаби оммавий-ташкилий ишларни уюштиришда жонбозлик кўрсатяпти.

Ш. ИСРОИЛОВ, М. БЎРОНОВ.

КВАРТАЛ ПЛАНИ ТАЙЁР

БУГУН

Шаҳримиздаги шампан винолари заводи коллективи йил бошидан бери 1 миллион 670 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, 1-квартал учун белгиланган топшириқни муддатидан олдин бажарди.

Ўтган йил натижалари бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлган шампан вино тайёрловчилар беш йилликнинг якунловчи йилида янада сифатли ва самарали меҳнат қилиш учун интилишяпти. Корхонада йил бошиданоқ меҳнат жадал суръатларда давом этяпти. Ҳар куни савдо тармоқларига 20—22 минг сўмлик маҳсулот жўнатилиб, унинг асосий қисми юқори сифатда тайёрланаяпти.



Александр Шумейко мамлакатимиз транспорт хўжаликлари учун нўтарма кран механизмларини ишлаб чиқараётган «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-механика цехининг моҳир токарларидан бири. Коммунистик меҳнат зарбдори ўзининг ҳалол меҳнати билан кўплаб тенгдошларига ўрнак бўлмоқда.

СУРАТДА: Александр Шумейко.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Куйбишев район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари, унда ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқи, СССРда халқ контроли тўғрисидаги Қонун асосида халқ контроли органларининг вазифалари муҳокама этилди. Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Т. Э. Эргашев доклад қилди.

Актив йиғилишида Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раисининг ўринбосари С. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Йиғилишда шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Ф. Н. Назруллаев қатнашди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Бугун «Халқлар дўстлиги» майдонида

НОЁБ ИНШООТ: ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧ

Ҳиндистонлик таниқли журналист Бадан Упадхья яқинда Тошкентда бўлганида пойтахт архитектурасидан ғоят таъсирланиб шундай деган эди: «Тошкент ўзининг кўркам, замонавий бинолари, хиёбонлари ва майдонлари билан кишини ҳайратда қолдиради. Бу шаҳар мармар тошда тасвирланган шарқ маликасидир. Совет Ўрта Осиёсининг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлган Тошкент муҳим саноат, илм ва маданият маркази».

Дарҳақиқат, шундай, Пойтахтимиз йил сайин эмас, ой сайин кенгайиб, ноёб иншоотлар ҳисобига кўркамлашиб бормоқда. Шаҳарнинг қайси даҳасига борманг, қурилиш ҳавозаларига кўзингиз тушади.

Сўлим Анҳор бўйидаги Ю. А. Гагарин боғи ёнидан бошланадиган Ўзбекистон кўчасида ҳам кейинги йилларда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг улуғвор биноси билан бир йўналишда Ўзбекистон Матлуботчилар уйи комплекси қуриб ишга туширилгандан бери кўп вақт ўтгани йўқ. Шу кунларда бу кошонанинг Анҳор тарафида Ўзбекистон Ленин Комсомоли Марказий Комитетининг 14 қаватли биноси қуриляпти. У бу атрофдаги мавжуд ва қурилиш мўлжалланган объектлар билан бир яхлит архитектурик уйғунликни ташкил этади. Ўзбекистон кўчасининг чап томонида «Узгипросельхоз», Тошкент Давлат халқ хўжалиги институтлари, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг 14 қаватли бинолари қад кўтаради.

Кўчанинг шимол томонида Урмончилар уйи, Ўқитувчилар уйи, Киночилар уйи, Олимлар уйи, метрополитеннинг маъмурий алоқа уйи каби объектлар қурилаётир. Яқин йиллар ичида Ўзбекистон кўчаси Самарқанд дарвозагача давом этади. Кўчанинг икки тарафида уй-жойлар, маданий-маиший ва бошқа объектлар барпо қилинади.

Ўзбекистон, Фурқат кўчалари ва Халқлар дўстлиги проспекти туташган жойда эса Ўзбекистоннинг энг кўркам иншооти— «Халқлар дўстлиги» майдони қурилаяпти. Унинг бир тарафида 9 ва 12 қаватли уй-жойлардан иборат «Олмазор», қарши томонида «Бешёғоч» массивлари ташкил этиляпти.

Бу йил «Халқлар дўстлиги» майдони комплекси қурилишида ҳал қилувчи босқич бошланди. Шу йилнинг охиригача бу ердаги асосий обеъктларда умумий қурилиш-монтаж ишлари тугалланиши, олди томони майдонга қараган объектлар битказилиши керак. Бу объектларнинг қурилиши билан банд бўлган бунёдкорлик ташкилотлари қурилиш ишлари суръати ва ҳажмини ой сайин ўстиришмоқда. Объектларни тез ва сифатли қуришда кўпчиликка ўрнак кўрсатишмоқда. Ўтган йили «Олмазор» микрорайони қурилишида жуда унумли иш олиб борилди. 1979 йилда бу ерда 40 минг квадрат метрдан зиёд саҳнга эга бўлган турар жойлар қурилиб, ҳамшаҳарларимизга туҳфа этилди. Урмончилар уйи, партия тарихи институти ва партия архиви бинолари фойдаланишга топширилди. «Халқлар дўстлиги» саройини барпо этаётган 11-«Висотстрой» қурилиш трести ва унинг бир қатор ёрдамчи пудратчилари ҳам унумли ишлашмоқда. Объектда ўтган йилги план 830 минг сўм зиёдаси билан адо этилди.

Комплексни барпо этаётган қурувчилар бу йил барча ишчи резервлари, материаллар, техника ва механизмларини ишга туширадиган объектларга сарф этишмоқда. «Халқлар дўстлиги» саройи қурилиши билан шуғулланаётган бинокорлик ташкилотлари айниқса унумли меҳнат қилишаётир. Объектнинг бош пудратчиси 11-«Висотстрой» трести икки ойлик топшириқни ошириб адо этди. Бунга 41-қурилиш бошқармасининг Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Мухтор Ҳабибуллаев бошлиқ комплекс бригада аъзолари катта улуш қўшишди.

«Халқлар дўстлиги» саройи қурилишида 1-пардозлаш, «Ташсантехгазмонтажа» трестлари ҳам яхши ишлашяпти.

2-уйсозлик комбинати эса майдон комплексига киритувчи кўп қаватли уйларни тезкорлик билан қурмоқда. Комбинатга қарашли 3-монтаж, 4-қурилиш ва пардозлаш бошқармалари тез суръатларда иш олиб боришмоқда. Аммо «Олмазор» массивида мактаб ва болалар боғчаси қурилишида план бажарилмаяпти. Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 12-қурилиш трести раҳбарлари мавжуд ишчи кучлари, материал ва техника ресурсларини объектларга омилкорлик билан тақсимлаш йўлларини излашлари зарур. Болалар боғчаси, мактаб ва синчли-панелли турар жойларни белгиланган муддатларда битказиб, фойдаланишга топшириш учун йилнинг дастлабки кунларидан иш суръати ўстирилиши, бинокорларнинг ўз ишларига нисбатан масъулияти оширилиши керак.

Фурқат, Ўзбекистон кўчалари, Халқлар дўстлиги проспекти туташган жойда барпо этилаётган транспорт тоннели қурилишида ҳам иш графиклари бузилаяпти. 7-кўприк қуриш трести 13-кўприксозлик отряди тоннел қурилиши бинокорлик материаллари, жумладан темир-бетон устунлар, қоплама плиталар билан қониқарсиз таъминланаётгани оқибатида белгиланган планларни бажара олмаяпти.

11-«Висотстрой» трести 69-қурилиш бошқармаси «Узоргтехстрой» трести ва «Узторгпромпроект» институтларининг ишлаб чиқариш корпуслари қурилишида суст ишлаяпти.

Қурилиш партия ташкилотлари бригадалар ўртасида социалистик мусобақани уюштиришга панжа орасидан қарашаётганлиги, бинокорлик ишларини босқичма-босқич адо этишнинг чоралари кўрилмаётганлиги, барча куч ва имкониятлар ишга солинмаётганлиги оқибатида қолоқликка йўл қўйилди.

Яқинда «Халқлар дўстлиги» комплексида олиб борилаётган ишлари атрофлича муҳокама этишга бағишланган Тошкент шаҳар партия комитетининг бюросида таъкидланганидек, пойтахтнинг улкан комплексини қураётган ташкилотларнинг раҳбарлари мавжуд камчиликларни қисқа вақтда бартараф этишлари, бинокорлар ўртасида партиявий-сиёсий ишлар самарадорлигини ўстиришга алоҳида эътибор беришлари зарур.

А. НИЁЗОВ.

СУРАТДА: Олмазорда қурилган уй-жойлар. М. Нуриддинов фотоси.



ПРАКТИКА ЯХШИ ЎТДИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти инглиз, француз ва немис тили факультетларининг 4-курс студентлари ўзларининг дастлабки актив практикаларини пойтахтимиз мактабларида муваффақиятли ўтказдилар. Уларнинг бу практикаларига институт методика ва педагогика кафедраларининг ўқитувчилари раҳбарлик қилишди.

Немис тили факультети практикантларига катта ўқитувчи Умар Нигматов раҳбарлик қилди. Факультетнинг 4-курс студентлари 50, 60, 114, 200, 234-мактабларда ўзларининг назарий билимларини амалда синаб, немис тили фанидан пухта дарслар ўтишди. Х. Мирзаева, Ш. Хайруллаев, Ў. Назарова каби ёшлар ҳамкурсларига намуна кўрсатишди. Студентлар ўқувчиларга билим бериш билан бир қаторда уларнинг ота-оналари билан ҳам суҳбатлар ўтказишди.

Э. ҚОДИРОВ, студент.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● «Хатларга эътиборни кучайтирайлик» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни 1980 йил апрель—июнь ойларида СССР Қуролли Кучлари сафидан бўшатиш ҳақида ва гражданларни навбатдаги ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тўғрисида СССР Мудофаа министрининг буйруғи эълон қилинган.

● Учишни бошқариш маркази хабар беради: кеча «Союз Т» транспорт кемасининг учиши ниҳоясига етди. Шу куни ҳисоблаб қўйилган вақтда кеманинг тормозловчи двигатель установкаси ишга туширилди, сўнгра бўлмалар ажралгандан кейин туширилувчи аппарат бошқариб туширилди ва Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган районида оҳиста қўндирилди.

100 суткалик орбитал учиш давомида кема ичидаги ҳамма системалар, аппаратлар ва агрегатлар бенуқсон ишлади.

ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

АКТИВЛАР ЁРДАМИДА

Акмал Икромов райондаги Генерал Собир Раҳимов номли маҳаллада оммавий ҳашар бўлиб ўтди. Зиё Саид, Ильич, Н. Хўжаев, Табрик, Раҳимбобоев, Нашриёт кўчалари ва 2-Ильич, 4-Хўжаев проездлари ҳамда маҳалла чойхонаси олдидаги 2230 квадрат метр майдон чиқиндилардан тозаланиб, ободонлаштирилди.

Аввал ўтқазилган дарахт ва гул кўчатлари эса буталанди, умумхалқ ҳашарида 181 киши иштирок этди. Т. Ҳолмўхамедов, Т. Акромов, С. Хўжаев, И. Йўлдошев, Т. Зуфаров каби ва маҳалланинг жонкуяр активлари жонбозлик кўрсатиб ишладилар.

Қ. ОБИДОВ, студент.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ИККИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КУЧАТ ВА ЯШИЛ ТУСИҚ УТҚАЗИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 26 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(биринчи устун—районлар ва шаҳар ижроия комитети бошқармалари; иккинчи устун—ўтқазилган кўчатлар (минг туп); учинчи устун — ўтқазилган яшил тўсиқлар (минг туп); тўртинчи устун—планнинг бажарилиши (процентларда)

Киров райони	22,0	51,4	97,2
Собир Раҳимов	20,9	50,1	94,0
Фрунзе	20,0	48,6	91,6
Акмал Икромов	20,0	43,1	89,8
Сергели	17,6	49,6	89,6
Чилонзор	21,5	44,8	87,8
Куйбишев	20,9	44,8	87,0
Ленин	20,1	45,2	86,4
Ҳамза	19,9	44,2	84,9
Октябрь	18,0	42,0	79,4
Халқ маорифи Бош бошқармаси	17,8	20,6	116
Маданият бошқармаси	10,0	28,0	115
Умумий овқатланиш бошқармаси	9,0	23,5	105,1
Шаҳар уй-жой бошқармаси	10	23	100
Савдо бошқармаси	7,0	24,5	100
Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси	5,6	22,2	92,6
Шаҳар сув хўжалиги бошқармаси	7,5	20,0	88,7
Бошқармалар бўйича	103,1	270,6	85,9
Шаҳар бўйича	339,3	834,1	90,2

МАЪЛУМОТ ШАРҲИ: шу кунларда шаҳримиз кўчалари ва майдонларида дов-дарахтлар, яшил тўсиқлар кўплаб ўтқазилмоқда. Бунда Киров, Собир Раҳимов, Фрунзе районлари меҳнаткашларининг катта ҳиссаси бор. Ҳунар-техника таълими, кинолаштириш ҳамда трамвай-троллейбус бошқармаларида эса иш суръати зарур даражада эмас. Вақт кутиб турмайди. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқаришлари керак.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Фридрих Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти профессор-ўқитувчиларининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида студент-ёшларни интернационал тарбиялаш» мавзуига бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференц и я д а марксизм-ленинизм философияси кафедрасининг мудири, доцент С. О. Облоқуловнинг «Интернационал тарбия—коммунистик тарбиянинг таркибий қисми», фалсафа фанлари кандидати Х. Мўминовнинг «КПСС XXV съезди — ёшларни интернационал руҳда тарбиялаш вазифалари ҳақида», рус тили кафедрасининг мудири, доцент М. М. Муҳамедованинг «Ёшларни интернационал руҳда тарбиялашда улуғ рус тилининг роли» каби қатор докладлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Конференция қатнашчилари ўз олдиларида турган навбатдаги вазифаларни белгилаб олишди.

С. РИЗАЕВ.

Коммунистик шанбаликка тайёргарлик кўриш шаҳар штабининг матбуот маркази хабар беради

● **Тежалган ҳом ашё ҳисобига.** «19 апрель куни иқтисод қилинган ҳом ашё ҳисобига меҳнат қиламиз!»— Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3 минг кишилик коллективи коммунистик шанбаликда ана шундай ишлашга қарор қилди. Корхонада иқтисод фонди ташкил этилди. Унга К. Расулов бошлиқ кесувчилар ва Н. Авилова етакчилик қилаётган бичувчилар бригадаларининг аъзолари катта ҳисса қўшишмоқда. Пойафзалчилар «қизил шанбалик» куни 16 минг жуфтдан зиёд пойафзал ишлаб чиқаришади. Унинг 8 минг жуфти иқтисод қилинган ҳом ашё ҳисобига тайёрланади. Барча маҳсулот биринчи тақдимдаёқ топширилади.

Бирлашманинг бош энергетика ҳамда бошқа хизмат бўлинмаларининг ходимлари ҳам ленинча шанбаликда фаол иштирок этишга аҳд қилишган. Улар шу кунгача 50 минг киловатт-соат электр энергияси, 40 гигакалория иссиқлик, 15 минг куб метр газ ва 70 килограммга яқин мис симлар тежашга муваффақ бўлишади. Шанбалик куни ўнга электр двигатель ремонтдан чиқарилди.

Ишчилар кун сайин иш суръати ва сифатини оширишмоқда.

● **Фақат аълога.** Пардозлаш трести коллективи «қизил шанбалик»ка уюшқоқлик билан ҳозирлик кўрмоқда. Шу куни трестнинг 2,5 мингдан зиёд бинокорлари шаҳар объектларида меҳнат қиляпшади. 70 минг сўмлик пардоз ишлари бажарилиб, 8,5 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Беш йиллик фондига 13 минг сўмлик маблағ ўтказилади.

20 дан зиёд бригада иқтисод қилиб қолинган цементли қоришма, бўёқ ва бошқа материаллар асосида ишлашади. Уларнинг ичида республикада хизмат кўрсатган бинокор С. Мирхолдаров, Р. Полифтова, П. Савчук бошлиқ бригадаларнинг аъзолари бор.

Пардозчилар шанбалик куни барча жилокорлик ишларини фақат аъло сифатли адо этишга сўз беришди.

● **Ўз иш жойларида.** 19 апрелда ўтказиладиган коммунистик шанбаликда «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 200 дан зиёд ишчиси иштирок этади. Бирлашманинг илмий-тадқиқот бўлимига қарашли тажриба цехи коллективи шу куни ўз иш жойларини эгаллашиб, икки минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга эришадилар. Маҳсулотнинг кўп қисми Олимпиада рамзи билан тайёрланади.

Бирлашманинг кўплаб ходимлари эса асосий база қурилиши территориясида ободонлаштириш ишларини амалга оширишади.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ, ЎРТОҚЛАР: КОММУНИСТИК ШАНБАЛИККА 23 КУН ҚОЛДИ.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ПАХТА ЧИҚИНДИСИДАН — БЎЁҚ

Металлар, қурилиш буюмлари ва бошқа халқ хўжалиги материалларини коррозиядан сақлаш учун ҳар хил лаклардан фойдаланилади. Халқ хўжалигимизнинг жадаллик билан ривожланиши кўплаб лак-бўёқлар ишлаб чиқаришни талаб қиляпти.

Ҳозирги кунда лак-бўёқ ишлаб чиқариш бўйича янги, катта имкониятлар юзага келмоқда. Маълумки, «ВА» маркали бўёқлар деворларни бўяшга ишлатилади. Улар ҳам аҳолига сотилади, ҳам капитал қурилишда кенг ишлатилади. Кейинги йилларда «Узбекхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий-тадқиқот бўлимида шу бўёқ ўрнига янги хил арзон бўёқлар яратилди. Бу бўёқлар пахта чиқиндиларидан тайёрланади ва уларга органосиликат бўёқлари деб ном берилди. Бу янги бўёқларни ишлаб чиқариш имконияти жуда катта. Уларни бутун мамлакат қурилиши учун етарли миқдорда ишлаб чиқариш мумкин. Янги органосиликат бўёқларини кенг ишлатиб, лағмяги «ВА» маркали бўёқларни тўла ёки қисман тежаб қолиш мумкин.

Тежаб қолинадиган «ВА» бўёқлари ҳисобига юқори сифатли янги хил лаклар тайёрлаш мумкинлиги кашф этилди. Бу лаклар ўз хоссаларига кўра, мавжуд олифлар, нитроцеллюлоза ва бошқа лакларидан юқори туради. Бу эса улар асосида юқори сифатли янги бўёқлар ва эмаллар яратишга шароит яратилди, деб ҳисоблашга асос беради. Янги лаклар ва бўёқларни яратиш юқори ҳарорат ва босимни талаб қилмайди. Бу эса лак-бўёқ саноатида меҳнат шароитини яхшилайди. Лак-бўёқларни мўл-кўл қилиш билан бирга, ишлаб чиқариш маданиятини ҳам кескин кўтаришга имконият беради.

Кўриниб турибдики, лак-бўёқ саноатимиз имкониятлари жуда катта. Ундан фойдаланиш ҳаммамиздан ижодий изланишни талаб қилади. Бу шубҳасиз, ҳозирги замон фантехникасининг характерли томонларидан биридир.

Биз ўйлаймизки, лак-бўёқ саноати ходимлари ва тегишли ташкилотлар янги имкониятларни эътибордан четда қолдирмайдилар.

З. УСМОНОВ, «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий-тадқиқот бўлими бош илмий ходими.

СТУДЕНТЛАР БАҲС БОШЛАШДИ

Бугун Тошкентдаги энг яхши спорт базаларида анъанавий III шаҳар студентлари спорти ҳафталиги бошланади.

Студентлар спорти ҳафталигини ўтказиш анъана бўлганидан буён у жуда оммалашди. Бу борада олий ўқув юртларининг студентлари катта ишларни амалга оширишмоқда. Бу сафар ҳам дастлабки босқич мусобақаларида ўн минглаб студентлар қатнашдилар. Дастлабки босқич беллашувларида факультетлар ўртасида ўтказилган кўчатлар (минг туп); учинчи устун — ўтқазилган яшил тўсиқлар (минг туп); тўртинчи устун—планнинг бажарилиши (процентларда) да бўлиб ўтди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, разрядли спортчиларнинг сафи анча кенгайди. Биринчи босқич беллашувларида қатнашган жуда кўп йигит ва қизлар «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» Бутуниттифоқ комплекси нишонига сазовор бўлдилар.

Шундай қилиб, финал беллашувлари бошланди. Бу мусобақаларда шаҳардаги энг яхши спортчилар қатнашишмоқда. Улар ўз олий ўқув юртларининг шарафини ҳимоя қилишмоқда. Студентлар сузиш, енгил атлетика, кураш, қиличбозлик, велоспорт, гимнастика, бокс сингари спортнинг бошқа турлари бўйича куч синашадилар.

Бу йилнинг ўзига хос хусусияти бор. Москвада Олимпиада ўйинлари бўлади. Бу нарса студентлар спорти ҳафталигини ниҳоятда юксак савияда ва кескин кураш вазиятида ўтишига омил бўлади. Беллашувларнинг натижаларига кўра шаҳардаги энг кучли студент-спортчилар аниқланибгина қолмай, балки мамлакат Олимпиада терма командаси аъзолигига номзодлар яна бир бор синовдан ўтадилар. Шунингдек, ёш спортчилар ҳам ўз маҳоратларини синаб кўриш имконига эга бўладилар.

Шундай қилиб, мусобақалар бошланди. Оқ йўл, студент спорти ҳафталиги!

● *Ўқувчилар спартакиадаси одимлари*

ОММАВИЙЛАШИБ БОРМОҚДА

Спорт гимнастикаси чин маънода ёшариб бормоқда. Бу нарса айниқса шаҳардаги мактаб ўқувчиларининг спартакиадаси доирасида ўтказилган гимнастика турнирида яққол кўзга ташланди. Беллашувлар 219-ўрта мактабнинг спорт залида бўлди. Вошланғич синф ўқувчилари жуда мураккаб элементларни бажаришиб, мутахассисларни ва томошабинларни ҳурсанд қилдилар.

Собир Раҳимов район спартакиадасининг биринчи ўринини қўлга киритди.

Мактаб ўқувчиларининг спартакиадаси марра томон яқинлашмоқда.

БУГУН

волейбол бўйича ўтказилаётган турнирда ҳал қилувчи беллашувлар бўлади. Шунингдек, теннисчилар ҳам орани очиқ қиладилар.

Партия турмуши

КОММУНИСТЛАР ЕТАКЧИ

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини арзонлаштириб, бунинг учун эса фан-техника ютуқларини дадил жорий этиш, машина ва ускуналар баъзи турларининг техник даражаси, сифатини ошириш зарурлигига муҳим эътибор қаратилди. Корхонамиз партия комитети маъмурият ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда Пленум қарорларини изчил амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлар асосида иш олиб боряпти.

Корхона коллективи доимий равишда ишлаб чиқаришни рационал фойдаланиш анча яхшиланди. Хом ашё сарфини камайтириш мақсадида йилига 80 минг сўмлик самара берадиган янги усул, газламаларни бичиш трафаретлари жорий этилди. Буюмларни қайта ишлашнинг конструкция ва технологияси мунтазам такомиллаштирилиб борилянти.

Бунда корхона рационализаторлари ва ишлаб чиқариш новаторларидан иборат ижодий группанинг фаоллиятп катта роль ўйнаяпти. С. Қурбонова, Н. Туропова, Г. Тисячникова ва бошқаларнинг таклифлари ажойиб иқтисодий самара бермоқда.

Бирлашма партия комитети хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаётган илғорлар ва новаторларни маънавий рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чиқди. Биз социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқаётган пайтимизда илғорларнинг қанча газлама тежаб қолганини, албатта, ҳисобга оляпмиз. Шунингдек, нормадан ҳнёл четга чиқиш ҳоллари юз берса, бунинг сабабларн атрофлича ўрганилаяпти ва камчиликларга барҳам бериб борилаяпти.

Биз тежалган хом ашё, материал, ёқилғи-энергетика ресурслари фонди ва улардан самарали фойдаланиш бўйича кўрик-конкурс ташкил этдик. Масалан, шу йилнинг кейинги ойларида жорий этилган 12 та муҳим тадбир 36 минг сўмдан зиёд иқтисодий самара бермоқда.

Бирлашма партия комитети ҳом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаётган илғорлар ва новаторларни маънавий рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чиқди. Биз социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқаётган пайтимизда илғорларнинг қанча газлама тежаб қолганини, албатта, ҳисобга оляпмиз. Шунингдек, нормадан ҳнёл четга чиқиш ҳоллари юз берса, бунинг сабабларн атрофлича ўрганилаяпти ва камчиликларга барҳам бериб борилаяпти.

Биз тежалган хом ашё, материал, ёқилғи-энергетика ресурслари фонди ва улардан самарали фойдаланиш бўйича кўрик-конкурс ташкил этдик. Масалан, шу йилнинг кейинги ойларида жорий этилган 12 та муҳим тадбир 36 минг сўмдан зиёд иқтисодий самара берди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди: «Механизаторлар ва бошқа янгиликлар жорий этилди.

Коммунистлар меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришда активлик кўрсатишяпти. Иш жойларида меҳнатни ташкил этишнинг типовой лойиҳалари жорий этилмоқда. Бу ишлар фақат бош корхонадагина эмас, балки унинг Бўка районидаги ва бошқа филиалларида ҳам жорий этиляпти. Волга автомобиль заводининг ишлаб чиқариш, меҳнатни бошқариш ва иш ҳақини ташкил этишнинг комплекс системасини жорий этиш бўйича иш тажрибалари ҳам маҳсулот таннархини камайтиришга катта таъсир кўрсатяпти.

Юбилей санасига саноқли кунлар қолди. Тиқувчи Алла Ким, Х. Тожибоева ва бошқалар доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача беш йиллик шахсий планларини адо этиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этишяпти. Бутун коллективимиз шонли санагача беш йилликнинг тўрт ярим йили планини бажариш учун курашяпти. Бунда коллективимиз ўртасида кенг ёйилган «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» ташаббуси муҳим роль ўйнаяпти. Партия комитети социалистик мусобақани кенг тус олдиришга, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга, коллективнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини кун сайин оширишга ҳаракат қилмоқда. Мақсадимиз шонли юбилейни муносиб меҳнат армуғонлари билан нишонлашдан иборат.

Ш. АКБАРОВ,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тиқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

Тежамкорлик—коммунистик хислат

ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА БЎЛСИН

«Ишлаб чиқарилаётган кўпгина машина ва ускуналарнинг металл сарфи ғоят кўп. Металлни қайта ишлашда чиқиндилар улуши камайтирилмоқда, аниқ заготовкалар сонининг кўпайтирилмоқда, аниқ заготовкалар сонининг кўпайтирилмоқда».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

(КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумида сўзлаган нутқидан).

Ҳа, шундай. Машинасозлик корхоналарида кўпгина металнинг қиринди чиқиб кетиши сир эмас. Гоҳида бир бутун заготовка ёки штамповканинг оғирлиги тайёрланган буюмнинг салмоғидан икки марта ва ундан кўпга вазминлашиб кетади.

Кейинги йилларда «Ташсельмаш» заводида бунга «кенг йўл» қўйилянти. Рақамларга мурожаат қилайлик. Масалан. 1977 йилда 473,5 тонна, шу жумладан брак туфайли 40,9 тонна, 1978 йилда 905,3 тонна, шу жумладан брак сабабли 41,1 тонна, 1979 йилда 470 тоннага яқин, брак сабабли эса 30,6 тоннадан зиёд ортиқча металл сарфланган. Хўш, бунинг айбдорлари ким? Бундай хўжасизликнинг туб сабаби қаерда?

Заводда бир йилда 33 минг 325 тонна металл ишлатилади. Унинг ҳар бир граммидан тежаб фойдаланиш асосий металл истеъмолчилари бўлган 2, 4, 6 ва 22-цех коллективларининг биринчи галдаги вазифасидир. Лекин, юқоридаги кўрсаткичлар мазкур цехларнинг темирчилари «қандай ишлаётганликларидан» далолат беради. Улар стандарт ва технология талабларига аниқ риоя қилмасликлари ва ниҳоят, меҳнатни тежашга қаратилган рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини суст жорий этаётганликлари туфайли қимматбаҳо металлни ортиқча сарфига йўл қўйяптилар.

Бу яна шу билан изоҳланадики, заводда ишлаб чиқаришда рангли ва қора металл прокатларини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ҳамда металлдан фойдаланиш коэффициентини ошириш билан боғлиқ бўлган конструкцияларни такомиллаштириш суст амалга оширилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида завод халқ контроли группаси ишининг бу борада оқсаётганлигини кўрсатмайдими ахир?! Ишнинг нечоғлик яхши йўлга қўйилиши кўп ўринда халқ назоратчиларининг ҳам ҳаракатига боғлиқдир. Тўғри, завод халқ контроли группаси ўз функцияси жиҳатидан йиллик ҳисоб-китобларга қараганда талай ишларни амалга оширган. Лекин металлни тежаш, уни сақлаш бўйича рейдларнинг йиллик миқдорини етарли даражада деб бўлмайди. Корхона халқ контроли группаси бу борада ўз фаолиятини кучайтириши лозим.

Бундан ташқари энг оммавий деталлар, жумладан, ролик ва шпиндель палецини тайёрлаш конструкциясининг мураккаблиги туфайли кўп металл чиқитга чиқаяпти.

Айниқса, заводда металлдан фойдаланиш коэффициентини ошириш мақсадида поковка ва штамповкаларнинг конструкциясини ўзгартириш борасида етарлича иш олиб борилмаяпти.

Бу шуни кўрсатадики, заводда конструкцияларни ўзгартириш, такомиллаштириш ҳисобига металлни тежаш резервларидан фойдаланилмаяпти ва ниҳоят, Масалан, 12ХВ-30618 шестерня штамповкасининг оғирлиги 10,5 килограмм бўлиб, қайта ишланганда сўнг унинг аниқ вазни 4,15 килограмм бўлиб қолади. Натижада бир йилда 150 тонна металл чиқитга чиқади. Бизнингча, штамповка тайёрлаш технологиясини ва механик ишлов бериш жараёнларининг айрим қисмларини ўзгартириш айни вақти етди. Шунингдек, омбор хизмати ишида ҳам жиддий нуқсонлар бор. Металл беришда кераклигича назорат ўрнатилмаган. Прокат омборида паллапартишлашни кўриш мумкин. Жумладан, металнинг қиринди чиқиб кетиши сир эмас. Гоҳида бир бутун заготовка ёки штамповканинг оғирлиги тайёрланган буюмнинг салмоғидан икки марта ва ундан кўпга вазминлашиб кетади.

Кейинги йилларда «Ташсельмаш» заводида бунга «кенг йўл» қўйилянти. Рақамларга мурожаат қилайлик. Масалан. 1977 йилда 473,5 тонна, шу жумладан брак туфайли 40,9 тонна, 1978 йилда 905,3 тонна, шу жумладан брак сабабли 41,1 тонна, 1979 йилда 470 тоннага яқин, брак сабабли эса 30,6 тоннадан зиёд ортиқча металл сарфланган. Хўш, бунинг айбдорлари ким? Бундай хўжасизликнинг туб сабаби қаерда?

Заводда бир йилда 33 минг 325 тонна металл ишлатилади. Унинг ҳар бир граммидан тежаб фойдаланиш асосий металл истеъмолчилари бўлган 2, 4, 6 ва 22-цех коллективларининг биринчи галдаги вазифасидир. Лекин, юқоридаги кўрсаткичлар мазкур цехларнинг темирчилари «қандай ишлаётганликларидан» далолат беради. Улар стандарт ва технология талабларига аниқ риоя қилмасликлари ва ниҳоят, меҳнатни тежашга қаратилган рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини суст жорий этаётганликлари туфайли қимматбаҳо металлни ортиқча сарфига йўл қўйяптилар.

Бу яна шу билан изоҳланадики, заводда ишлаб чиқаришда рангли ва қора металл прокатларини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ҳамда металлдан фойдаланиш коэффициентини ошириш билан боғлиқ бўлган конструкцияларни такомиллаштириш суст амалга оширилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида завод халқ контроли группаси ишининг бу борада оқсаётганлигини кўрсатмайдими ахир?! Ишнинг нечоғлик яхши йўлга қўйилиши кўп ўринда халқ назоратчиларининг ҳам ҳаракатига боғлиқдир. Тўғри, завод халқ контроли группаси ўз функцияси жиҳатидан йиллик ҳисоб-китобларга қараганда талай ишларни амалга оширган. Лекин металлни тежаш, уни сақлаш бўйича рейдларнинг йиллик миқдорини етарли даражада деб бўлмайди. Корхона халқ контроли группаси бу борада ўз фаолиятини кучайтириши лозим.

Бундан ташқари энг оммавий деталлар, жумладан, ролик ва шпиндель палецини тайёрлаш конструкциясининг мураккаблиги туфайли кўп металл чиқитга чиқаяпти.

Айниқса, заводда металлдан фойдаланиш коэффициентини ошириш мақсадида поковка ва штамповкаларнинг конструкциясини ўзгартириш борасида етарлича иш олиб борилмаяпти.

Бу шуни кўрсатадики, заводда конструкцияларни ўзгартириш, такомиллаштириш ҳисобига металлни тежаш резервларидан фойдаланилмаяпти ва ниҳоят, Масалан.



• *Педагог минбари*

ТАБИАТГА МУҲАББАТ РУҲИДА

Фарзандларимизни партия ва халқ ишига, коммунистик идеалларга содиқ, ватанпарвар-интернационалистик руҳда, ҳақиқий инсонлар қилиб тарбиялаш — биз педагоглар олдида турган муҳим ва шарафли вазифалардандир. Ана шуни чуқур ҳис этган мактабимиз педагогика коллективи ўқувчиларга таълим-тарбия бериш борасида яхши ютуқларни қўлга киритмоқда. Биз педагоглар ишда эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, ёшларга таълим-тарбия беришни янада юқори савияга кўтаришга муҳим аҳамият бермоқдамиз.

Мен бир неча йиллардан бери биологиядан дарс бераман. Келажак ёшларини наботот оламидаги мўъжизалардан хабардор қилиш, уларни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш биз биолог ўқитувчилар олдида турган шарафли вазифадир. Мен бу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Маълумки, улуғ доҳиймиз В. И. Ленин ўзининг машҳур «Материализм ва эмпириокритици з м» асарида табиатшунослик фанлари ҳақида ҳар томонлама фалсафий фикр юритиб, фактларни материалистик тушуниш ва уларни билишдаги ролини диалектик материализм нуқтаи-назаридан талқин қилди, авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги жанговар резерви — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғланишига жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни айтиш керакки, мен ўқувчилар билан биологиядан синфдан ташқари тўгарак машғулотларини ҳам олиб бораман. Ҳар бир дарснинг ва синфдан ташқари баъзи коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги жанговар резерви — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғланишига жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни айтиш керакки, мен ўқувчилар билан биологиядан синфдан ташқари тўгарак машғулотларини ҳам олиб бораман. Ҳар бир дарснинг ва синфдан ташқари машғулотларининг мақсади ўқувчиларни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат. Ўқувчиларимиз Ленин асарларидан фойдаланганда ўқувчиларнинг диққат-эътиборини марксизм-ленинизм назарий қоидаларини очиб кўрсатишга, шу қоидаларнинг коммунистик қурилиш практикаси билан, партиянинг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги жанговар резерви — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғланишига жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни айтиш керакки, мен ўқувчилар билан биологиядан синфдан ташқари тўгарак машғулотларини ҳам олиб бораман. Ҳар бир дарснинг ва синфдан ташқари машғулотларининг мақсади ўқувчиларни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат. Ўқувчиларимиз Ленин асарларидан фойдаланганда ўқувчиларнинг диққат-эътиборини марксизм-ленинизм назарий қоидаларини очиб кўрсатишга, шу қоидаларнинг коммунистик қурилиш практикаси билан, партиянинг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги жанговар резерви — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғланишига жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни айтиш керакки, мен ўқувчилар билан биологиядан синфдан ташқари тўгарак машғулотларини ҳам олиб бораман. Ҳар бир дарснинг ва синфдан ташқари машғулотларининг мақсади ўқувчиларни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат. Ўқувчиларимиз Ленин асарларидан фойдаланганда ўқувчиларнинг диққат-эътиборини марксизм-ленинизм назарий қоидаларини очиб кўрсатишга, шу қоидаларнинг коммунистик қурилиш практикаси билан, партиянинг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги жанговар резерви — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғланишига жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни айтиш керакки, мен ўқувчилар билан биологиядан синфдан ташқари тўгарак машғулотларини ҳам олиб бораман. Ҳар бир дарснинг ва синфдан ташқари машғулотларининг мақсади ўқувчиларни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат. Ўқувчиларимиз Ленин асарларидан фойдаланганда ўқувчиларнинг диққат-эътиборини марксизм-ленинизм назарий қоидаларини очиб кўрсатишга, шу қоидаларнинг коммунистик қурилиш практикаси билан, партиянинг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги жанговар резерви — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғланишига жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни айтиш керакки, мен ўқувчилар билан биологиядан синфдан ташқари тўгарак машғулотларини ҳам олиб бораман. Ҳар бир дарснинг ва синфдан ташқари машғулотларининг мақсади ўқувчиларни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат. Ўқувчиларимиз Ленин асарларидан фойдаланганда ўқувчиларнинг диққат-эътиборини марксизм-ленинизм назарий қоидаларини очиб кўрсатишга, шу қоидаларнинг коммунистик қурилиш практикаси билан, партиянинг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги жанговар резерви — Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғланишига жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни айтиш керакки, мен ўқувчилар билан биологиядан синфдан ташқари тўгарак машғулотларини ҳам олиб бораман. Ҳар бир дарснинг ва синфдан ташқари машғулотларининг мақсади ўқувчиларни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат. Ўқувчиларимиз Ленин асарларидан фойдаланганда ўқувчиларнинг диққат-эътиборини марксизм-ленинизм назарий қоидаларини очиб кўрсатишга, шу қоидаларнинг коммунистик қурилиш практикаси билан, партиянинг ёш



ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

М. Горький номидаги Академик рус драма театри коллективи Америка драматурги Артур Хейлининг «Аэропорт» асарини саҳналаштирди.

СУРАТДА: спектаклдан бир саҳна. Вернон ролида Б. Кольцов, Гвен ролида И. Авдюшкина.

К. Ромеев фотоси.

ТИНЧЛИК ВА БИРОДАРЛИК КЎПРИГИ

Ҳар йили 27 мартда Халқаро театр куни байрам этиш ажойиб анъанага айланиб қолди. Бундай кунни таъсис этиш масаласи дастлаб Хельсинкида, сўнгра эса Венада (Австрия) 1961 йилнинг июнь ойида. МИТ (Халқаро театр институти)нинг IX конгрессида кўрилган эди. Эндиликда бу прогрессив инсоният томонидан — «Театр — халқлар ўртасида биродарлик ва тинчлик ўрнатишнинг олтин кўприги» деган олижаноб шиор остида кенг нишонланадиган бўлди. Ҳозирги пайтда Халқаро театр куни жаҳоннинг 110 га яқин мамлакатида байрам этилмоқда. Ҳар йили бу кун байрам этилиши муносабати билан ер юзидаги кўп мамлакатларнинг прогрессив театр арбоблари, атоқли саҳна санъати намояндалари дунё халқларига қарата мурожаатномалар билан чиқадилар. Бундай мурожаатномалар мазмунини театр фаолиятини янада яхшилаш ва активлаштириш, тинчлик учун курашда унинг ролини ва моҳиятини янада ошириш каби эзгу ниятлар ташкил этади. Халқаро театр кунида ер шарининг ҳар бир бурчагида турлича тадбирлар — оддий томошалардан тортиб, натта байрамларгача ташкил қилинади, концертлар, спектаклар намойиш этилади...

Бизнинг мамлакатимизда Халқаро театр куни ҳар йили у ёки бу тарихий санага, улкан бир воқеага бағишлаб байрам этилади. 1979 йилда XVIII Халқаро театр куни болалар йилига бағишланган эди. Барча қардош республикалар сингари Ўзбекистонда ҳам театр куни кенг нишонланди. Ўтган йилнинг кузида Тошкентда бўлиб ўтган Осиё мамлакатлари қўғирчоқ театрининг Халқаро фестивали ҳам катта аҳамият касб этди. Мазкур фестиваль ўз руҳияти билан Халқаро театр кунининг олижаноб шиори руҳиятига жуда ҳам яқин ва монанд эди. Фестивалда 500 га яқин санъаткор иштирок этди, шулардан 100 га яқини хорижий мамлакатлар вакили эди. ЮНЕСКО қошидаги «УНИМА» деб аталувчи Халқаро уюшманинг бевосита иштироки билан Осиё мамлакатлари қўғирчоқ театрларининг Халқаро фестивали доирасида «Анъаналар замон хизматида» деб номланган катта симпозиум ҳам ўтказилди. Ушбу симпозиумда сўзлаган нотиқлар нутқида ҳозирги замонда театрнинг тинчлик, тараққиёт йўлидаги хизматлари айниқса муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

1979 йилдаги яна бир катта Халқаро фестиваль ўтган йилнинг апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган студент-ёшлар театри ва бадиий коллективларининг «Халқлар дўстлиги» деб аталган санъат байрамидир. Бу фестивалда мамлакатимизнинг барча қардош республикалари д а н ҳамда қатор социалистик мамлакатлардан ташриф буюрган 1000 дан зиёд ёш студент ижодкорлар қатнашди. Фестиваль якунида «Студентлар театрининг ёшларни эстетик жиҳатдан тарбиялашдаги роли» деб номланган катта конференция ўтказилди. Мазкур байрам халқлар дўстлигининг ҳамда ёшлар иқтидорининг чинакам кўриги ҳамда байрамига айланиб кетди.

1979 йилдаги ажойиб ҳамда мазмундор маданий воқеалардан бири Озарбайжон ССРда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъатининг ўн кунлигидир. Совет халқлари ҳамдўстлиги ва ҳамкорлигининг катта байрамига айланиб кетган ушбу ўн кунлик ленинча миллий сиёсатимиз социалистик реализм туфайли СССР халқлари адабиёти ва санъати нақадар муваффақиятларни қўлга киритганлигининг чинакам кўриги бўлди.

Умуман олганда, XVIII ва XIX Халқаро театр кунлари орасида ўтган давр мобайнида республикада қатор фестивалларконкурс ва кўриклар, профессионал ҳамда ҳаваскорлик санъати байрамлари, турли ижодий коллективларнинг, чет эл санъаткорларининг гастролари муваффақиятли ўтди; Ҳамза номли Ўзбек академик драма, Чехов номли Самарқанд рус драма театрларининг 60 йиллик юбилейи кенг нишонланди; Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 90 йиллиги, таниқли композитор, мусиқий драмтеатримизни н г ташкилотчиларид а н бири В. А. Успенскийнинг 100 йиллиги байрам этилди; саҳна Ҳиндистонномамизга қатта ҳисса қўшган Ҳамза номли атоқли театримиз коллективи юксак унвонга — Жа воҳарлал Неру мукофотига муяссар бўлди; қатор саҳна намояндаларимиз Ҳамза номли республика Давлат мукофотига, бир қатор ёш ижрочилар, саҳна ўсталари Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлдилар; тетар санъати борасида узоқ йиллардан бери ишлаб, ижодий заҳарлар кучиб келаётган саҳна намояндалари Ўзбекистон ССР. нинг фахрий унвонларига мушарраф бўлишди; Самарқандаги Чехов номли театр Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан. Тошкентдаги рус ёш томошабинлар театри эса «Ҳурмат белгиси» орденлари билан мукофотланди. Буларнинг ҳаммаси Коммунистик партия ва совет ҳукумати санъаткорларимиз ҳақида нақадар катта ғамхўрлик ила ётганидан далолатдир.

Ўтган бир йил ичида Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб турган 28 давлат профессионал театри коллективи 101 янги спектаклни намойиш қилди. Улар орасида Алишер Навоий достони асосида яратилган «Фарҳод ва Ширин» операси, Ҳамзанинг «Паранжи сирлари», Чеховнинг «Ваня тоға», Маяковскийнинг «Ҳаммом», Роблеснинг «Монсеррo», Гельманнинг «Мукофот», Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», Иззат Султоннинг «Истеҳком», Петровнинг «Пётр 1» операси, Собир Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра», Бондореванинг «Соҳил», Ашрафийнинг «Муҳаббат ва Шамшир» балети, Родзенскийнинг «Суқрот билан суҳбатлар» драмаси ва бошқа асарлар мавжудлар.

Хуллас, ўтган давр театримизнинг камолга эришиш, халқ билан санъатнинг ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамланиб, равнақ топиши даври бўлди.

Бу йил бизнинг мамлакатимизда Халқаро театр куни улкан тарихий воқеага, муаззам санага бағишланяпти. Бу доҳий Ленин туғилган кунининг ўнинчи 110 йиллиги. Иккинчи қутлуғ сана эса фашистлар Германияси устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 35 йиллигидир. Ана шу иккала санага ҳам театр жамоатчилиги ўзига хос тайёргарлик олиб бориб, ижодий коллективлар бу умумхалқ байрамларига атаб янги саҳна асарларини, доҳий Ленин образи мавжуд бўлган спектаклларни, ҳарбий-ватанпарварлик мотиви билан йўғрилган пьесаларни саҳналаштириб, томошабинларга тақдим этишга ҳозирлик кўряптилар. Ҳеч шак-шубҳа йўққи, кўп миллатли совет театримизнинг ажралмас қисми бўлган ўзбек театр санъатининг намояндалари, драматурглиримиз, композитор ва рассомларимиз, театр танқидчиларимиз билан ҳамкорликда янада жиддий ижодий ютуқларни қўлга киритадилар, театр санъатимиз олдида турган муҳим масалаларни муваффақиятли ҳал этиш йўлида янада самаралироқ изланишларда бўладилар, саҳна ленинномамиз тарихига ёркин саҳифалар қўшадилар.

Б. НАСРИДДИНОВ.
Ўзбекистон Театр жамияти Президиуми раисининг ўринбосари, театршунос.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. ҲАКИМОВ, А. ҲУЖАЕВА: Ўлкамизга баҳор фасли таъриф буюрди. Азиз ҳамшаҳарларимиз кўча ва майдонларга, ҳовлиларига ҳар хил дарахт кўчатлари ўтказишмоқда. Ана шу кўчатларни шаҳримиздаги қайси магазинлардан харид қилиш мумкин? Бундан ташқари уларга берилади ган ўғитлар ва ҳар хил кашнич, укроп, уруғларини қаердан сотиб олса бўлади?

Жавоб: Шаҳримизда «Тошкент гуллари» идорасига қарашли ўндан ортиқ магазин ишлаб турибди. Ана шу магазинларда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари билан бирга гул кўчатлари ҳам сотилмоқда. Правда Востока кўчасидаги 26-«а» уйда. Ленин проспектидаги 1-дорихона ёнидаги йирик магазинда ҳар хил кўчатлар мавжуд. Ана шу магазинлардан ўғитларни ҳам харид қилишингиз мумкин. Уруғларни эса Октябрь, Олой, Бешёғоч бозоридаги махсус уруғ билан савдо қилувчи магазинлардан сотиб олсангиз бўлади.

⁂

А. СОТИБОЛДИЕВ: Яқинда Юнусободдаги янги уйга кўчиб ўтаётганимизда мебелларимиз ишдан чиқиб, тошойнаси синиб қолди. Буларнинг учун қайси устахонага мурожаат қилишимиз керак?

Жавоб: Қорасарой кўчаси, 282-«а» уйда жойлашган маиший рўзғор мебелларини тузатадиган комбинатга учрашсангиз мебелларингизни тузатиб беришади. Телефони 48-35-26. Синиб қолган тошойнанинг янгисини буюртириш учун ана шу комбинатнинг Госпитал бозори ёнидаги цехига мурожаат қилишингиз керак.

⁂

С. АЛИМОВ: Японияда ишлаб чиқарилган куртка харид қилган эдим. Ана шу курткам йиртилиб қолди. Ишни қаерда ремонт қилдирсам бўлади?

Жавоб: Бунинг учун «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйидаги ва София проспектидаги ателье уйига мурожаат қилишингиз керак.

⁂

А. КАРИМОВА: Яқинда пальто сотиб олган эдим. У бироз узун экан. Шуни қаерда ўзимга мослаб тиктирсам бўлади?

Жавоб: Беруний проспектидаги «Бозор» ва Госпитал бозори ёнидаги ателье уйида пальтоларни кайта тикиб беришади. Ана шу ерга учрашсангиз усталар Сизнинг хизматингизда бўлишади.

⁂

С. АЛИМОВ: Автокранларда ва махсус автомобилларда ҳамда медицина-санитария автомобилларида ишловчи шоферлар учун қўшимча отпуска берилади?

Жавоб: Медицина ёрдами ва санитария автомобиллари шоферлари учун автомобилнинг қандай маркалигидан қатъий назар 6 иш кунигача қўшимча отпуска берилади. Автокранларда ва махсус автомобилларда (бензин ташийдиган ва хоказо машиналарда) ишлайдилар учун эса машиналарнинг юк ортиш ҳажмига қараб 6 кундан 12 иш кунигача қўшимча отпуска берилади.

⁂

А. РЎЗИЕВ: Бизда бир қанча электрон ҳисоблаш машиналари мавжуд. Шулардан иккитаси бузилиб қолди. Ана шу электрон ҳисоблаш машиналарини қаерда тузатиш мумкин?

Жавоб: Весна кўчаси, 223-уйда «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси устахонаси жойлашган. У ерга 2, 10-трамвайларда борилиб, трамвайнинг охирги «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси бекатида тушилади.

⁂

С. АЛИМОВ: Автокранларда ва махсус автомобилларда ҳамда медицина-санитария автомобилларида ишловчи шоферлар учун қўшимча отпуска берилади?

Жавоб: Медицина ёрдами ва санитария автомобиллари шоферлари учун автомобилнинг қандай маркалигидан қатъий назар 6 иш кунигача қўшимча отпуска берилади. Автокранларда ва махсус автомобилларда (бензин ташийдиган ва хоказо машиналарда) ишлайдилар учун эса машиналарнинг юк ортиш ҳажмига қараб 6 кундан 12 иш кунигача қўшимча отпуска берилади.

• *Иззатингдан айрилма*

УМР БЕҲУДА ЎТМАСИН

Ҳаёт инсон билан гўзал. Унинг ақли, меҳнати, қалб ҳарорати билан ҳаёт ўзгача жозиба, тароват олади. Одамлар бўлмаса бу курраи заминимизнинг мафтункорлиги, табиатининг ҳусну таровати, қиймати бебаҳо саналган олтину гавҳарлари, ям-яшил чаманзорларию сиртида кечаларию ой, тонглари қуёш нурлари жилва қилган дарёлари ҳам ўз қадр-қимматини йўқотади.

Ҳаёт — ширин, у одамлар билан гўзал. Бу расмий ёки шунчаки тилга олинган қонун-қоида эмас. Аксинча, у турмушнинг магиз-мағзини чақиб, кишилик жамиятимизнинг тараққий этиш, ривожланиш белгиларидан олинган фалсафий хулоса, донолар ақли закоси билан айтилган, қадрини йўқотмай келаётган дурдона сўзлардир.

Аммо ҳаётда ҳар хил одамлар учраб туради. Ҳар хил одамлар—бу турлича характерлар мавжуд эканлигининг мазмунан талқинидир. Ҳаётни, ҳозирги турмушимизни янада гўзаллаштирадиган, унга санъат ҳуснини, яшаш лаззатини бахш этадиган одамлардир, улар-нинг қўл меҳнати гўзал дунёқарашларидир.

Ҳаёт, турмуш ҳақида ўйлай туриб ҳали оромизда жамият, коллектив манфаатидан кўра ўзининг шахсий манфаатини афзал биладиган, одамлар кўзи ўнгида ишчиликнинг жонкуяридай кўриниб, аслида бу фазилатни юзига ниқоб қилиб, бойлик орттириш йўлида ҳатто ўз оиласи, бола-чақаларининг ҳузур-ҳаловати, обрў-эътиборидан ҳам воз кечадиган тубан кишилар борлиги ёдга келади.

Хўш, бундай иллатлар қаердан келиб чиқмоқда. Уларнинг илдизи, таг-томири қаерда? Шу ўринда бир суҳбатни келтириб ўтмоқчимиз.

— Аҳмаджон, мактабни битирсанг қайси касбни эгалламоқчисан?—сўради ўқитувчи ўнинчи синф ўқувчисидан. Ўқувчи ҳеч иккиланмай:

— Қайси касбдан кўпроқ пул тушса ўшанисига ўрганаман, — деб жавоб қайтарди.

Боланинг бу гапига бир эътибор беринг-а. У бу билан нима демоқчи-ю, кўнглида қандай орзулари бор. Кўпроқ пул топиш эмасми? Йўқ, йўқ, сиз бунга тажжубланманг, кулманг ҳам. Ҳозирги болаларимиз ҳаётда ҳеч нарсага ҳавас қилмайдилар, ҳеч нарсадан ҳайиқмайдилар, ҳеч нарсага ҳайрон қолмайдилар. Ҳаётда ҳеч нарсага ҳайрон қолмаслик —буларнинг ҳаммаси бориб-бориб уларнинг хатти-ҳаракати характер тусини ола бошлайди.

Кундалик турмушимизда баъзан шундай кишилар ҳам учраб туради. Улар ҳамиша ўзларини бошқалардан устун қўйишга, ўз шахсига бино қўйиб, кўпчиликни менсимаслик, молпарастлик, кези келганда ўз нафслари учун одамларни алдаб, кўзбўямачилик билан фойда кўришга интиладилар. Агар бирон ерда қинғирликларни, тамагир, фирибгар ёки текинхўрликларни сезиблиб қолгудек бўлса, ё дўқ-пўписалар билан ёки ўзларини жамиятга фойда келтираётган кишилар қилиб кўрсатиш йўли билан қутилиб кетишмоқчи бўлишади.

Салима Закиевани «Ташхозкультторг» г а қарашли магазинлар ходимлари яхши танишади. Кўринишдан анча ҳушмуомала, ширин сўз бу аёлнинг кейинги пайтларда ҳеч қаерда ишламай, текинхўрлик йўлига ўтганлиги кимнинг ҳаёлига келибди, дейсиз. С. Закиева қўлим бўш қолди, бирон бир фойдали ишнинг пайидан бўлай, деб ўтирмади. Уни кўпроқ мўмай пул, текин даромад топиб, умрини тарапла-бедодлик д а ўтказишга орзуси тинч қўймасди. Мана у кўп ўтмай, «Ташхозкультторг»га қарашли магазин сотувчилари билан тил бириктириб, бегона кишилар номидан кредит молларга шартномалар тузиш, қалбаки ҳужжатлар ёзиб, турли маданий молларни енг ичида пуллаш йўли билан ҳамённини ҳаром пулга тўлдира бошлади. Унга ҳамтовоқлик қилган Лидия Циганкова эса С. Закиевага кредит моллар учун сохта ҳужжатларни стказиб бераверди.

Кредит молларни қинғир йўллар билан ҳужжатлаштириб, давлатнинг миллаб сўмини ўғирлаётган яна бир гуруҳ кимсалар ўзаро тил бириктириб. магазинларга кредитга телевизор ёки радио, яна бирон хўжалик, маданий мол олишга келган харидорларни осонгина ўз тузоқларига илинтиришар, бундан эса катта фойда кўришарди. Унинг шу йўсинда кўз очиб юмгунчалик вақт ичида бир ишчининг бир ойлик маошини ишлаб, кечага бундай пуллардан юзлаб сўмлар ҳамёнларидан жой олмаса кўнгиллари тўлмайдиган бўлиб қолди. Ажабланарли томони шундаки, бундай текин даромад топишга мукқасидан кетган кишиларнинг танобини тортиб, қинғир ишларига чек қўйиш ўрнига аксинча, кўриб кўрмасликка олиб кетаверишди. Масалан, 8-магазиннинг кредитлар бўйича бухгалтери Роза Ким бу ҳаромхўрларга қўшилиб, сохта ҳужжатлар тўлдириш билан пул ишлашга киришиб кетди.

Бундай қинғирликларнинг ўз баҳоси, ўз жазоси бор, албатта. Аммо ўша қинғирликларни кўриб кўрмасликка олиб юрган, жиноятни ҳас-пўшлаб ўз зиммасидан соқит қилишга одатланган, тўғрироғи, ўзининг ҳузур-ҳаловатини деб шунга ўхшаш кўнгилсизликлардан четроқ да юриб, бефарқ қарашга ўрганган кишилар, ташкилотлар раҳбарлари ҳақида нималар дейиш мумкин? Ана шу бефарқлик, камчилик ва хатоларга юзаки, ҳотиржамлик кўзи билан қараш эса юқорида айтиб ўтилган кўнгилсизликларнинг содир бўлишига олиб келмадимикан?!

Кишининг ҳаётдаги бирон камчилик, хатосини ўз вақтида олдини олмаслик, лоқайдлик сингари кишиларни бебурд қилувчи иллатлар жиноятларнинг юз беришига сабаб бўлади. Бу иллатнинг яна бир ёмон томони шундаки, маънавий соғлом кишиларга, айниқса, катта ҳаётга илк қадам қўйган ёшлар тарбиясига, дунёқарашига салбий таъсир этади, тарбия ишига путур етказади. Оқибатда бу касаллик газак олиб, илдиз отиши, умр бехудага ўтиши мумкин. Юқорида номлари келтирилган кимсаларнинг хатти-ҳаракатига келганимизда эса бу ўз вақтида кишилар тарбияси билан жиддий шуғулланманганлик, қолаверса маънавий жиҳатдан идеали пул бўлиб қолган нусқасифат кишилар таъсир доирасига тушиш оқибати дейиш керак.

Инсон тарбияси билан изчил шуғулланиш, ундаги камчиликларни коммунистик ахлоқ принципларига амал қилган ҳолда тугатиш чораларини кўриш ҳар бир кишининг инсоний бурчи бўлмоғи лозим. Бу эса янги кишининг маънавий намолатида муҳим роль ўйнайди.

Н. АЛИМОВ.

ШОЛИ ВА ҚАМИШ

(МАСАЛ)

Шоли билан қамиш ёнма-ён ўсаркан. Қамиш қўшнисига мақтангани-мақтанган экан:

— Мени кўргин, нақадар бўйчанман, уқпар-попукларим ғоят гўзал. Мени одамлар олис-олислардан ҳам кўради. Сени эса табиат бўйидан қисган, бунинг устига бошингни ҳам қилиб турганинг турган.

Шоли деркан:

— Сен билан дўстим, ҳали кузда гаплашамиз.

Ёз ўтиб, олтин куз келибди. Кишилар шолининг бир донасини ҳам увол қилмай ўриб-йиғиб, уйлари тўридаги сандиққа солишибди. Қамишдан эса бўйра ясаб, оёқлари остига тўшашибди. Шоли камтарлиги туфайли иззат-икром кўрибди, Қамиш эса еккайиб оёқ ости бўлибди.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

Биласизми?

14 ёшдан 80 ёшгача лабини мунтазам бўяб юрувчи аёллар умр бўйи 9 килограмм мой упа ейишар экан.

* * *

Ўртача вазнли одам скелети оғирлиги 14,5 килограмм келадиган 222 та суякдан иборат. Танамизда 750 та мускул, 20 минг километр қон томири, 6 литр қон, 50 литр сув, 1,1 килограмм тери бор.

* * *

Ўрта ҳисобда эркак кишининг оғирлиги 81 килограмм, аёлларники 65 килограмм. Эркакларнинг бўйи 1,74 метр, аёлларники 1,62 метр. Эркаклар 41—42 размер, аёллар эса 36—38 размер оёқ кийими кияр экан.

* * *

Одам бошида тахминан 100000 соч толаси бўлади.

* * *

Одам умри давомида 50 тонна, бошқача айтганда, ўз оғирлигига нисбатан 600 мартадан ҳам кўп овқат ейди.

* * *

Инсон танаси ҳарорати кундузи бир мунча юқори бўлади, кечаси эса пасаяди.

* * *

Киши манглайи юзасининг ҳарорати танасининг ўртача ҳароратига тенг. Шунинг учун бўлса керак, ҳароратни аниқлашда кўпинча манглайни ушлаб кўрадилар.

* * *

Эркаклар терисининг ўртача ҳарорати аёлларникига қараганда деярли бир даража юқори бўлади.

* * *

Тик турган одам юриб бораётган кишидан кўра кўпроқ чарчайди, чунки одам ўз мувозанатини сақлаб экан, унинг 300 дан ортиқ мускули мутта сил ишлаб туради.

• *Ҳар тўғрида*

ФОТОГРАФИЯ ТАРИХИ

Фотографиянинг вужудга келишида рус олимлари ва ихтирочиларининг ҳиссаси катта бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Д. Менделеев рус техникаси жамиятида «нурёзув» бўлими очиб, фотографиянинг яратилишига илмий асос солган эди. Шундан кейин фотоаппаратлар ихтирочиларидан бири Д. Езучевский бўлган. Машҳур сайёҳ Н. Миклухо-Маклай, антрополог В. Майнов, географ В. Комаров, академик Л. Берглар ўз илмий ишларини фотография ёрдамида далиллаган олим ҳамда дастлабки фотографлар бўлишган.

КУЙЛОВЧИ ҲАССА ВА ФОНАР

Львовдаги маиший радиоэлектрон аппаратуралар корхонаси «Горизонт» маркали ҳассалар ишлаб чиқара бошлади. Кўринишидан оддий таёққа ўхшаган бу ҳасса ичига ўрта тўлқинда ишловчи жажжи радиоприёмник ўрнатилган. Радиоприёмникни бураш ва созлаш жуда қулай. Сал кам бир килограмм келадиган бу ҳасса тунда етарли даражада йўлингизни ёритиб берадиган фонар ўрнини ҳам боса олади.



СУРАТДА: 154-ўрта мактабнинг 1-синф ўқувчилари меҳнат дарсида пластилиндан ўз севимли эртакларининг қаҳрамонларини ясашяпти. Уларга ўқитувчи Муҳаббат Икромова ёрдам бермоқда.

А. Чаплыгина фотоси.

Санъатнинг сеҳрли олами

КИЧКИНТОЙНИ МАМНУН ЭТИБ

Республика қўғирчоқ театри коллективи кичкинтойларни яна бир янги спектакль билан мамнун этди. Режиссёр В. В. Коляндин Е. Чеповецкийнинг «Ивасик— Телесик» асарини саҳналаштирди. Коллектив украин халқ эртаги асосида яратилган ана шу спектаклни СССР халқлари драматургияси Бутуниттифоқ фестивалида кўрсатиш учун тайёрлади.

Шу кунларда театр кичкинтой санъат ихлосмандлари билан гавжум. Ўқувчиларнинг баҳорги каникули пайтида бу ерда «Семурғ», «Турнача ва қўрқинч», «Золушка», «Сирли гипнотопатам» ва бошқа қизиқарли спектаклар намойиш этилияпти.

Хизматхарларимиз хизматида

УЙИНГИЗДА—МЎЪТАДИЛ ҲАВО

Боку саноатчилари ишлаб чиқараётган кондиционерларга бизнинг республикамизда ҳам тобора талаб ошиб бормоқда. Бу кондиционерларнинг афзалликларини кўчада жазирама иссиқ бўлишига қарамай, Сиз уйингизда доим мўътадил ҳавони таъминлашингиз мумкин.

Шу кунларда шаҳримиздаги кўпгина магазинларда қардошларимиз юборган ана шу агрегатлар сотилмоқда. Уй-рўзғор кондиционерини харид қилиб олганингиздан сўнг албатта уни ўрнатадиган устанинг хизматини четлаб ўтолмайсиз. Шундай кезларда кондиционерни ўрнатиб ва созлаб берадиган ателье хизматидан фойдаланишингиз мумкин. Бу ателье Халқлар дўстлиги проспектидаги 4-«а» уйда жойлашган. У ерга метрода бориш жуда қулай. Бунинг учун метронинг «Ҳамза» станциясида тушилади.


ЙИЛИГА УЧ ҲОСИЛ БЕРАДИГАН БУҒДОЙ

Перу селекционерлари буғдойнинг «Махес— 1» ва «Махес—2» деган янги навларини етиштиришди.

Буғдойнинг бу нави паст бўйли, пояси одатдагидан йўғон ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига чидамлидир. Энг муҳими улар тезпишар бўлгани учун йилига уч марта ҳар гектаридан ўртача 160 — 180 центнердан ҳосил олиш мумкин.

3 Тошкент бет оқшоми

27 МАРТ, 1980 й.



Нева шаҳридаги Ленин қадамжоларида.
СУРАТДА: 1917 йилнинг 3 (16) апрелида невик устида туриб нутқ сўзлаганди. Ҳозир филмалида сақланади.

Финляндия вокзалида В. И. Ленин ана шу броневик устида туриб нутқ сўзлаганди. Ҳозир у В. И. Ленин Марказий музейининг Ленинград филиалида сақланади.

ТАСС фотохроникаси.

АВТОМОБИЛЧИЛАР, ЯНГИЛИКДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

«ТАРИХДАН ҚИСҚАЧА, УМУМИЙ ҚОИДАЛАР»

Бепоён Ватанимиз магистралларида йўл ҳаракати муттасил ўсмоқда ва такомиллашмоқда. Автомобиль экономиканинг ҳамма соҳаларида, меҳнаткашлар турмушида тобора кўп юмушни ўз зиммасига олмоқда. Бу нарса табиийки йўл ҳаракати қоидаларини доимо такомиллаштиришни тақозо этади.

Йўл ҳаракати қоидаларига энг сўнгги ўзгартишлар ўтган йил январь ойида киритилган эди.

1980 йилнинг 1 июнидан бошлаб эса яна йўл ҳаракати қоидаларига ўзгаришлар киритилди. Шу муносабат билан биз «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида «Йўл ҳаракати қоидаларидаги ўзгаришлар» деган сарлавҳа остида материаллар бериб борамиз. Бугун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекцияси рўйхатга олиш ва имтиҳон бўлинмасининг бошлиғи, милиция майори А. МАДАМИНОВнинг шу тўғридаги биринчи мақоласини оқшомхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

Мамлакатимизда ғ и магистралларда йўл ҳаракати доимо ўсиб ва такомиллашиб бормоқда. Йўл ҳаракатининг ҳамма параметрлари айниқса кейинги беш йилликлар даврида, халқ хўжалик планларида, СССРда ҳамма типдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириш кўзда тутилган даврда ривожланаётганлиги кўзга ташланмоқда. КПСС XXV съезди қарорларига мувофиқ 1980 йилда мамлакатимиз автомобиль саноати 2,2—2,4 миллионта автомобиллар, жумладан 800—825 минг юк автомобиллари ишлаб чиқариши керак.

Автомобиль экономиканинг ҳамма соҳаларида ва меҳнаткашлар турмушида тобора эҳтиёжни таъминлашда жорий этилмоқда. Аҳолининг барча табақалари ҳозирда шахсий транспорт воситаларидан фойдаланмоқдалар. Автомобилни оқилона бошқариш, йўл ҳаракатларини тўғри билиб бормоқ ҳозирги замон ривожланган жамият ҳаётининг ажралмас таркибий қисми, ҳамда кўпгина соҳаларда тобора зарурий аралаш касб маҳорати бўлиб қолмоқда.

Йўл ҳаракати қоидалари СССРнинг ҳамма территорияларида йўл ҳаракати тартибини ҳамма жойда ўрнатувчи ягона ҳужжат ҳисобланади. Қоидаларнинг моддалари йўл ҳаракати пайтида вужудга келиши мумкин бўлган барча ҳолатлар ва хилларини тўлалигича ўз ичига олади, фақат тавсияларнинг мувофиқ ҳолатларини топа олиш учун ана шу моддалардан оқилона фойдалана билиш керак. Йўл ҳаракати қоидалари ҳаракат қатнашчиларининг ҳаммаси учун қатъий мажбурий бўлиб, текстда кўрсатилгандан ташқари ҳеч нарса мустасно қилмайди. Қоидаларда баён этилган сатрларга қатъий ва аниқ риоя қилишгина йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаши мумкин.

Ҳозирда мамлакатимизда жорий этилган йўл ҳаракати қоидалари СССР Ички ишлар министрлигининг Бюрўгига мувофиқ 1972 йил 25 августда тасдиқланган ва 1973 йил 1 январдан кучга кирган. 1975 йил апреллда-1976 йил январда ва 1979 йил январда Қоидаларга мамлакатимизда қабул қилинган йўл ҳаракати нормаларининг муттасил такомиллашиб бориши билан боғлиқ бўлган бир қатор ўзгартишлар киритилди. Ана шу давр мобайнида йўл ҳаракатини ташкил этиш техника воситалари стандартларида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди, йўл белгиларида янги ГОСТ 23457—79 йил кучга кирди ва 1980 йилдан йўл белгиларида ГОСТ 23457—79 йил жорий этила бошлайди.

1980 йил 1 июндан мамлакатимизда Йўл ҳаракатининг янги Қоидалари жорий этила бошлайди, бу Қоидалар илгари жорий этилган ҳамма янгиликлар ва янги ГОСТларни ўз ичига олган бўлиб, унда яна бир қатор янгиликлар ўз ифодасини топадики, бу янгиликларнинг аксарияти принципиал характерда бўлади. Қоидалар моддаларидаги белгиларнинг мутлақо янги хиллари жорий этилади: модда номерларини кўрсатувчи сонлар икки ёки уч рақамдан иборат бўлади, рақамларнинг биринчиси Қоидалар бобининг номерини кўрсатади, иккинчиси бобдаги моддаларнинг тартиб номерларини, учинчиси эса (агар у бўлса)—модда остидаги бандлар бўлади. Бундай номерлаш илгариги ҳамма ГОСТларда қўлланилгандир.

1980 йил 1 июндан Қоидаларга киритиладиган барча янги қоидаларни ўз вақтида ўзлаштириб олишнинг алоҳида муҳим роль ўйнашлигини ҳисобга олиб, шарҳловчи муаллифлар фақат ўзгартирилган терминлар ва нилган бир қатор терминлар ҳам ўзгарди. Масалан, «ҳайдовчи» термини фақат транспорт воситаларини бошқарувчи кишиларга нисбатангина қўлланиладиган бўлди. Бу термин қорамол ёки бошқа жониворларни ҳайдовчиларга нисбатан ишлатилмайдиган бўлди.

«Механик транспорт воситалари» сўзи эндиликда двигатель ҳаракатга келтирувчи транспортнинг ҳамма турларига тааллуқлидир. Бу сўз осма моторли велосипедга ҳамда двигатели камида 50 куб сантиметрли (илгариги — 49,8 куб сантиметрли) ҳамда ишлайдиган ва макемал конструкция тезлиги соатига 40 километрдан кам бўлган мопедларга қўлланилмайди. Бу термин илгаригидек ҳозир ҳам шаҳар электр транспорти воситаларини, тракторларни, мотоколяскалар ҳамда бошқа хил ўзи юрар машина ва механизмларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, эндиликда механик транспорт воситаларининг аломати иккита бўлиб қолди: двигателининг иш ҳажми ва максимал конструкторлик тезлиги.

«Рухсат этилган максимал оғирлиги» сўзи ўрнига «тўла «вазни» сўзи қўлланиладиган бўлди. Бу сўз таъйёрлаб чиқарган завод томонидан белгиланган транспортнинг юк ёки пассажир ортилгандан кейинги вазнини белгилаб беради.

«Йўл бериш» сўзидан «ТЎСАТДАН» сўзи олиб ташландики, бу модданинг мазмуни учун принципиал аҳамиятга эгадир. Илгари ҳаракатда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган ҳайдовчининг транспорт воситалари ҳаракатига халақит берадиган хатти-ҳаракат қилиши қўққисдан, олдиндан кўрабилмаган характердаги ҳолатлардан: масалан, тўғридан транспорт воситаси ҳаракат қилиб келаётган ён томондаги йўлга тўсатдан чиқиб олиш; тезликни камайтирмай ҳамда бош йўлдан келаётган транспорт воситаси ва бошқа нарсаларга эътибор бермасдан бош йўлга чиқиб олиш каби ҳолатларидан келиб чиқади, деб билинган эди.

Олдинда келаётган имтиёзли ўтиб кетиш ҳуқуқига эга бўлган ҳайдовчининг «йўли бошқа транспорт воситалари томонидан «тўсатдан» эмас, балки «олдиндан» банд қилиб олинган ҳолатдаги «йўл бермади» деб ифодаланган термин тушунчадан чиқариб ташланди. Масалан, кўпчилик ҳайдовчилар қарши томондан келаётган транспорт воситасининг чап томонга бурилиши ёки орқага қайтиш пайтида ўтказиб юбораман, деб ўзлари олдиндан эгаллаган қарши томон ҳаракат йўлида туриб қоладилар. Уларнинг бу хатти-ҳаракатлари ўтиб кетишга ҳуқуқи бўлган ҳайдовчини «тўсатдан» ёки «кескин» тормоз беришга мажбур қилмаса-да, лекин уларнинг йўлни давом эттиришлари учун халақит беради. Шундай қилиб, киритилган ўзгартиш жуда мақсадга мувофиқдир.

«Ҳайдовчининг умумий вазифалари»дан транспорт воситаларидан шахсий манфаатини кўзлаб фойдаланиш тўғрисидаги банди олиб ташланди. Ғап шундаки, бундай хатти-ҳаракат социалистик жамиятнинг ахлоқ нормаларига мос келмайди, биздаги мавжуд қонунчиликка мувофиқ, бундай хатти-ҳаракат қилган ҳайдовчилар жиноий тартибда жазоланадилар. Давлат автоинспекциясининг ходимлари ва милициянинг бошқа хизмат ходимлари давлат, транспорт воситалари каби шахсий транспорт воситаларидан ғаразли мақсадда фойдаланувчи шахсларни бундан бүён ҳам топадилар ва уларнинг бундай хатти-ҳаракат қилишларининг олдини оладилар, бундай қоида бузиш тўғрисидаги материалларни чора кўриш учун тегишли органларга топширадилар.

Пиёдалар ва пассажирларнинг умумий вазифаларига қуйидаги талаб жорий этилди (модда 3. 7.) Махсус товушли ёки /қизил ёки яшил рангда ёруғлик сигнали бериб келаётган транспорт воситалари яқинлашиб қолганда зудлик билан йўлнинг қатнов қисмини бўшатиш тротуарда бўлганлар эса, —кўчани кесиб ўтишдан сақланишлари керак. Пиёдалар йўлни фақат ана шундай транспорт воситалари ёки улар кузатиб келаётган колонналар ўтиб бўлгандан сўнггина кесиб ўтишлари мумкин.

Умумий қоидалардаги бошқа талаблар ўзларининг текстдаги вазифалари ва мазмунларини бутунлай сақлаб қолдилар.

«Транспорт воситаларининг ҳаракат тезлиги, жойлашуви ва маневр қилиши» ҳақида кейинги иккинчи мақоламизда фикр юритамиз.

А. МАДАМИНОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекциясининг рўйхатга олиш ва имтиҳон бўлинмасининг бошлиғи, милиция майори.

ТОШКЕНТНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

КУБОК АРМИЯЧИЛАРДА

«Правда Востока» газетасининг соврини учун регби бўйича иккинчи марта республикамизда ўтказиган Бутуниттифоқ турнири ниҳоясига етди. Ўтган йилги турнирда ғолиблик учун фақат тўрт команда баҳс юритган бўлса, бу йил саккиз команда совринли ўринни эгаллаш учун ўзаро куч синашди. Турнирнинг бошланишига бир неча ой қолганида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги регбичилардан хат олинди. Бунинг боиси бор эди, албатта. Март ойида бўладиган турнир командаларга мамлакат биринчилиги баҳсларига тайёргарлигини синовдан ўтказишга имкон берарди.

«Правда Востока» газетаси томонидан ўтказилган турнирда Олмаота, Тирасполь, Москва шаҳарларининг спортчилари қатнашдилар. Шунингдек, Тошкентдан беллашувларда икки команда—армия спорт клуби ва «Спартак» командалари иштирок этди.

Совет Иттифоқининг тўрт марта чемпиони, СССР Кубогининг соҳиби Москвадаги Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий-ҳаво академияси регбичиларининг турнирда қатнашуви беллашувларни қизиқарли ўтишини таъминлади. Бошқа командаларнинг спортчилари чемпионларни ўйин усулларини ўрганиш билан бирга ўзлари ҳам яхши ўйин кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Мусобақа икки даврада ўтказилди. Ҳарбий-ҳаво академиясининг регбичилари фақат биринчи давра баҳсларида қатнашишди. Шу боисдан ҳам уларнинг натижалари ҳисобга олинмади. Дастлабки беллашувлардан кейин ғолиблик учун кураш асосан тошкентлик армиячилар, Олмаотанинг «Спартак» командаси ва Тирасполь шаҳрининг «Электромаш» командаси ўйинчилари ўртасида бўлиши маълум бўлди. Турнир ниҳоясида олмаоталиклар иккинчи, Тирасполь шаҳрининг спортчилари учинчи ўринни эгаллашди. Биринчи ўйин тақдири Тошкентнинг армия спорт клуби ва «Электромаш» командалари ўртасидаги учрашув натижасига боғлиқ эди. Ўтган йилги турнирда бош совринни қўлга киритган тошкентликлар учрашувни ҳужум билан бошлашди. Улар 14:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Шундай қилиб, Тошкент армия спорт клуби регбичилари биринчи ўринни эгаллаб, «Правда Востока» газетаси редакцияси томонидан ташкил этилган махсус мукофотни қўлга киритдилар.

ЧЕМПИОН АНИҚЛАНДИ

Рус шашкаси бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг якунловчи тури ниҳоятда кескин вазиятда ўтди. Айниқса, ўн бир турдан сўнг якка пешқадамликни қўлга олган Тошкентнинг собиқ чемпиони, спорт мастери И. Фридман ва самарқандлик спорт мастери М. Фозилов ўртасидаги учрашув принципиал «характерга эга бўлди. Самарқандлик спортчи ўйинни ўз услубида олиб бориб, бир мунча устунликка эришди. Бироқ, Фридман моҳирлик билан ҳимояланиб, жуда муҳим бўлган ярим очкони сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Сўнгги турга қадар И. Фридман активда 9,5 очко бор эди. Чемпионлик учун даъвогарлик қилаётган М. Фозилов ва тошкентлик Г. Дорфман активда эса 9 тадан очко бор эди.

Ким чемпион бўлиши масаласи сўнгги турда аниқланди. И. Фридман билан сирдарёлик спортчи Д. Тинчиков ўртасидаги учрашув тўрт соат давом этди. Ниҳоят томонлар дурангга рози бўлишди. А. Дорфман эса навоийлик В. Кочринни мағлуб этди. М. Фозилов сурхондарёлик спорт мастерлигига кандидат Б. Шариповни енгди. Шундай қилиб, биринчилик якунида уч шашкачи ўн уч имкониятдан 10 тадан очко тўплашга муваффақ бўлди.

Ғолибни аниқлаш учун ўйинлар коэффициентини ҳисобга олишга тўғри келди. И. Фридман чемпион деб эълон қилинди. Шундай қилиб, трактор заводининг инженер-механиги биринчи марта рус шашкаси бўйича Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди. Бу спортчи назарияни яхши билиши, ҳужумкорлиги, жанговарлиги билан ажралиб турди. Учинчи ўринни М. Фозилов эгаллади.

Шундай қилиб, республика чемпионати якунланди. Чемпионат якунида август ойида СССР Кубоги учун бўладиган баҳсларда Ўзбекистон терма командаси составида қатнашадиган уч спортчи аниқланди. Ана шу спортчилар Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидаги энг кучли шашкачилар билан СССР чемпионатининг финалида қатнашиш учун куч синашадилар.

Чемпионат ҳақидаги фикрни якунлаб шуни айтиш мумкинки, шаҳар спорт комитети шаҳардаги шашкачилар учун чемпионатда қатнашишга шароит яратиб бермади. Бу нарсага навбатдаги чемпионатда барҳам берилса, яхши бўларди.

Е. ЧЕРКАССКИЙ.

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/III да **Инқилоб тонги** (12,00). 28/III да **Келинлар қўзғолони** (12.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/III да **Ур, тўқмоқ** (12.00). **Олтин камар** (19,30), 28/III да **Сув келтирган аёз** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/III да **Чандиқлар** (12.00, 15.00), 28/III да **Можаро** (12.00, 15.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ўқувчиларнинг баҳорги қанникул кунларида «Шерлар орасида» аттракциони иштирокида «Чебурашка ва тимсоҳ Генанинг циркдаги ғаройиб саргузаштлари» болалар учун қувноқ томошалар (11.00, 14.00, 17.30).

КИНО

27 МАРТДА

КИНОЛЕКНИННОМА

ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«ЛЕНИН ВА КРУПСКАЯ» — **Искра** (19.45).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЙГА ҲОКИМИ ИЗИДАН» — **Дружба** (20.45), жавоб берувчи автомат 66-15-75), **Навоий номли** (18, 19.30).

ХОТИН КЕТДИ — **Мир** (тоқ соатларда, телефон: 91-08-30).

«КУЗГИ МАРАФОН» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ЕШ ХОТИН» — **Искра** (18, 19.45), телефон: 39-11-76).

«ТУЙЛАР МУБОРАК» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, 91-10-51).

«ҲИССИЁТНИНГ ҚАЙТИШИ» — **К. Ерматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон: 24-22-66).

28 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЧОР САМОДЕРЖАВИЕСИГА ҲУЖУМ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«АКА-УКА ҚОКАРЛАР» — **Москва.**

«ҚИЗИЛ ЮЛДУЗЛИ ЕШЛИК» — **Пионер.**

«МАЯКОВСКИЙ НОМЛИ ТЕАТР» — **Восток.**

КИНОЛЕКНИННОМА

ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«ЛЕНИН ВА КРУПСКАЯ» — **Искра** (19.45).

«ДИВИЗИЯ БОШЛИҒИ АЛЕКСАНДР ПАРХОМЕНКО» — **Искра** (14.00).

«ЛЕНИН» (Биографилсидан саҳифалар)—**Фестиваль** (11.00)

«ЛЕНИНГРАД ШАҲРИДАГИ ЛЕНИН БИЛАН БОҒЛИҚ ЖОЙЛАР»—**Навоий номли** (14.00).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЙГА ҲОКИМИ ИЗИДАН» — **Дружба** (11, 12, 20.45 жавоб берувчи автомат 66-15-75), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«ХОТИН КЕТДИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«КУЗГИ МАРАФОН» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

27, 28, 29 ва 30 МАРТ СОАТ 20.00 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳабиба ОХУНОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Камолиддин РАҲИМОВ, Ўринбой НУРАЛИЕВ, Маҳмуджон ИСОМИДДИНОВ.

Солистлар: Турдиали САЙДУЛЛАЕВ, Баҳодир БАКИРОВ, Турсуной МАМЕДОВА, Мавлуда ҲОЖИЕВА, Лазокат РЎЗМЕТОВА, Карима РАСУЛОВА, Носир ЗОКИРОВ.

Раққосалар: Мавлуда НИЗОМОВА, Альфия АСАНОВА, Людмила МАКСИМЧА, Кимёхон РЎЗМЕТОВА.

ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ МАГАЗИНЛАРИ САВДОСИДА

абонементлар бўйича сотиш учун

А. ДЮМАНИНГ «ГРАФИНЯ МОНСОРО» КИТОБИ БОР.

«ТАШКНИГА» МАГАЗИНЛАРИ

30 мартда

ОДАТДАГИДЕК ИШЛАЙДИ

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг

АЛОҚА ҚОРХОНАЛАРИГА

радио алоқаси ва радиоэшиттириш инженерлари, симли эшиттириш радиоаппаратураларига хизмат кўрсатиш бўйича электромеханиклар, радиолаштириш линиялари ремонти ва эксплуатацияси бўйича электромонтёрлар, автослесарь ва шоферлар

КЕРАК

Қорхонада меҳнат ҳақи мукофотли - прогрессивкали тарзда тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй—Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ҳамда район, шаҳрон комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

«КРАСНОВОСТОЧНОЕ» ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ ҲУЗУРИДАГИ

троллейбус ва трамвай ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ: **трамвай ҳайдовчилари учун —5 ой, троллейбус ҳайдовчилари учун эса — 6 ой.**

Ўқиш даврида ҳар ойда 70 сўмдан стипендия тўланади.

Шаҳар электр транспорти ходимларн трамвай ва троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқига эга бўладилар ва формали кийимбош билан таъминланадилар. Елғизларга ётоқхона берилади.

Депо адреси: Тошкент шаҳри, Красновосточная кўчаси, 3«а»-уй. Телефонлар: 62-12-12, 62-12-13 (13, 22-трамвайлар, 18-троллейбус, 17, 69, 71, 62, 73-автобуслар-нинг «Красновосточное депоси» бекати).

Ўрта Осиё темир йўлининг

ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИ

тепловоз машинистларининг ёрдамчиларини тайёрлайдиган

6 ОЙЛИҚ КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ҳар ойда 90 сўмдан стипендия берилади.

Елғиз кишилар ётоқхона ва прописка билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 13/22-уй, кадрлар бўлими.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИНИНГ 2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб борилади ва 70 сўм стипендия тўланади.

Қабул қилинганлар формали кийим-бош (қийматининг 50 процентн тўланади), **трамвай ва троллейбусда бепул юриш ҳуқуқи билан таъминланадилар.**

Елғизларга ётоқхонадан жой берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси, 4-уй, кадрлар бўлими.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг Транспорт ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли

2-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ

3-класс шофёрларини тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати— 5,5 ой. Стипендия — 45 сўм.

МАШҒУЛОТЛАР КУНДУЗИ ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтганлар қабул қилинади.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР ШУ КОРХОНАДА ИККИ ЙИЛ ИШЛАБ БЕРИШЛАРИ ШАРТ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 23 «а»-уй (12-автобуснинг «Горгаз» бекати).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

27 МАРТ — ПАЙШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик байроқдорлари», «Ленинград уфқлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.25 «Қизил погонлар». Кўп сериали телевизион бадиий фильм. 3-серия. 17.30 «Миллионлар ленинча университети». «Оила ва жамият» 1-кўрсатув. Кўрсатувда фалсафа фанлари кандидати, КПСС Марказий Комитетининг пропаганда бўлими консультанти В. Ф. Правоторов ва фалсафа фанлари доктори, профессор А. И. Харчев иштирок этади. 18.00 «Ун етти ёшлилар», 2-кўрсатув. «Салом, 10 «а». 18.45 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Кўп сериали телевизион мультфильм премьераси. 7, 8, 9-сериялар. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Алкоголизм». Врач суҳбати». 20.00 «Халқ оҳанглари». 20.15 «Бизни кечиринг». Телевизион бадиий фильм премьераси. Ю. Бондарёвнинг шу номли ҳикояси асосида. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Халқаро театр куни». 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 Футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. Болгария — СССР терма командалари 2-тайм. Софиядан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Яшил дори». Болалар учун мультфильм. 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 19.15 «Иккинчи чўққи». Ҳужжатли телефильм. (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ижод саҳифалари». Назир Сафаров. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «СССР халқ артисти Галия Измайлова ижросида жаҳон халқларининг рақслари». 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик—зарбдор фронт». 22.20 «Ота» Бадиий фильм. (Венгрия). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Дўстлар кулфатда синалади». 20.45 «Табиатга муҳаббат». «Қушларнинг баҳорги парвозлари» (рус.). 21.15 «Рус романси кечаси». 21.55 Халқаро театр кунига. «Островскийнинг уйи». Телеспектакль. 1-қисм (рус.).

28 МАРТ — ЖУМА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 Болалар учун. «Айиқча Ниданинг саргузаштлари». Илмий-оммабоп фильм. 10, 11-сериялар. 10.40 «Китоблар ҳафталиги». Бутуниттифоқ болалар адабиёти ҳафталиги ҳақида репортаж. 11.25 «Бизни кечиринг». Телевизион бадиий фильм. Ю. Бондаревнинг шу номли ҳикояси асосида. Фильм тугагач (12.40)— Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мальдив республикасининг миллий байрами — Мустақиллик кунига. «Мальдивликлар». Ҳужжатли фильм. 15.30 «Олтин шайба» клубининг соврини учун. 16.20 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Вероника қайтаяпти». Бадиий фильм. (Руминия). 17.55 «Ун етти ёшлилар». 3-кўрсатув. «Оқ йўл!». 18.45 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Кўп сериали телевизион мультфильм премьераси. 10, 11, 12-сериялар. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Жасорат». 20.00 Концерт. 20.15 РСФСР Олий Совети депутатларининг чиқишлари. 20.30 «Қайнона». Телевизион бадиий фильм премьераси (Венгрия). 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Эрмитаж. Эрмитаж бинои». Эрмитаж директори, академик Б. Б. Пиотровскийнинг кириш сўзи билан бошланади. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 «Кинопанорама».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ҳар доим бўлсин онам!» Адабий-мусиқали композиция. (такрорий). 12.05 «Тўрт танкчи ва бир ит». Кўп сериали телевизион бадиий фильм. 3-серия. (рус.). 13.00 «Замандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун программа (қозоқ тилида). 13.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Болалар учун фильм. «Рига ҳайвонот боғида». 18.25 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз». 18.55 «И. Охунбобоев номли Андижон мусиқали драма ва комедия театри солистларининг концерти. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Экишда сурат ва сифатга эътибор берайлик». 22.20 Телевизион театр. З. Саид, Н. Сафаров. «Тарих тилга кирди». 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Ўқитувчилар учун консультация. 20.55 «Меҳнат ютуқлари эстафетаси» (рус.). 21.25 «Халқаро театр куни». «Островскийнинг уйи». Телеспектакль. 2-қисм (рус.).

4 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент —ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-83; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

27-МАРТ, 1980 й. Р—07151 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Нашр Б — 2002.